

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил март ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар "Садриддин Айний" маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб,

Раислик қилувчи судья Ж.Гайбуллаев, судья ёрдамчиси О.Боймухамедовнинг котиблигида, томонлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси [REDACTED], судланувчи Р.Эсиргаповнинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED] ларнинг иштирокида, Эсиргапов Ринат Сапаржоновичга нисбатан 1-1401-1801/80-сонли жиноят ишини кўриб чикди.

Иш ҳужжатларига кўра :

Судланувчи: Эсиргапов Ринат Сапаржонович [REDACTED]  
[REDACTED] 1993 йил 23 май куни Жомбой туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини биладиган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, 5 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Жомбой тумани "Маърифат" маҳалласи "Маърифат" қишлоғида яшайдиган, иш бўйича "гаров" эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 13.02.2019 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржонович, 2018 йил 29 ноябрь куни соат 09:50ларда ўзига тегишли бўлган "Матиз" русумли 30 S 226 КА давлат белгили автомашинани Самарқанд шаҳар Саховат кўчаси бўйлаб бошқариб боришида, Йўл ҳаракати қоидаларининг 2-бандидаги "Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган" деб кўрсатилган ва 11-банди "Г" бандчасидаги "транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбур" деб кўрсатилган ҳамда 77-бандидаги "ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолатда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак" деб

кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, ҳаракат йўналишидан йўлнинг қарама-қарши қисмига чиқиб, йўлнинг бошқарувидаги автомашина йўналиши бўйича ўнг томондан чап томонга ҳаракатланиб ўтаётган вояга етмаган 2008 йилда туғилган Астанов Оромжон Илхомиддиновични кўрганидан сўнг, унга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, бошқарувидаги автомашинани тўлиқ тўхтатмасдан ва бундай имкониятга эга бўлишига қарамасдан бошқарувидаги автомашинанинг олд ўнг қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилиши натижасида, вояга етмаган О.И.Астановнинг оғир, ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳатлари олиб, шифохонага ётқизилишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржонович ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўзининг кўрсатмасида 2018 йил 29 ноябрь куни соат 08:50ларда яшаш уйидан Самарқанд шаҳрида жойлашган 1-сонли туғруқхонага бориш учун турмуш ўртоғи ва кичик фарзандини олиб бошқарувидаги “Матиз” русумли автомашинада йўлга чиққанлигини, соат 09:50ларда Самарқанд шаҳар Саховат кўчасида автомашинани соатига 30-40 километр тезлик билан бошқариб кетаётганида, ҳаракатланиб кетаётган йўналишининг ўнг томонида устига юк ортилган ҳолдаги “ВАЗ-2101” русумли автомашинани тўхтаб турганлигини кўрганлигини, у шу тўхтаб турган автомашинанинг чап томонидан қарама-қарши йўналишга чиқиб ҳаракатланаётган вақтида, ҳаракатланиш йўналиши бўйича йўлнинг ўнг томонидан чап томонига бир болани, яъни кейинчалик билган вояга етмаган Астанов Оромжонни югуриб ўтаётганида, бошқарувидаги автомашинанинг олд ўнг томони билан уриб юборганлигини, у шу вақти бошқарувидаги автомашинани тўлиқ тормозлаб тўхтатганлигини, ушбу зарб натижасида вояга етмаган пиёда О.Астанов автомашинанинг олд қисмига асфальт қопламасига йиқилганлигини ва бирдан ўзи ўрнидан туриб, маҳаллани ички йўли томон югуриб қочиб кетмоқчи бўлганлигини, шу атрофда бўлган одамлар ёрдамида болани ушлаб олиб, шифохонага олиб бормоқчи бўлганида, О.Астанов шифохонага бормаслигини айтганлигини, шундай бўлсада, Оромжонни автомашинасига миндириб аввал уйига олиб борганлигини, уни уйидан бувисини ҳам автомашинага миндириб 12-сон поликлиникага олиб борганлигини, у ерда шифокорлар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиб, Оромжонни йиртилган лабини тикишганлигини, шифокорларга О.Астанов қорин бўшлиғи оғриётганлигини айтганлиги сабабли, уни Хаваси шифохонасига олиб борганлигини, шифокорлар Оромжонни текшириб, уни талоғи ёрилганлигини аниқлаб, шифохонага ётқизишганликларини ва жарроҳлик операциясини ўтказишганлигини, шундан сўнг уни ЙХХБ ходимлари ҳодиса содир бўлган жойга олиб боришиб, ҳодиса жойини кўздан кечиришганлигини, у ва яқинлари вояга етмаган Астанов Оромжонни ҳолидан шифохонада ётган вақтида ҳар куни хабар олиб, Оромжонни яқинларидан кечирим сўраб, барча дори-дармонларини олиб бериб, сарф-харажатларини қилганликларини, Оромжон шифохонадан чиққанидан сўнг ҳам 2-3 маротаба уйига бориб, ҳолидан хабар олиб, Оромжонни қўлига бир маротаба 100.000 сўм, иккинчи маротаба

200.000 сўм пул берганлигини, ҳозирда ҳам моддий имкониятидан келиб чиқиб, моддий зарарни қоплашга тайёр эканлигини, лекин Оромжоннинг онаси бўлган жабрланувчи Холиқова Мехригул ундан катта миқдорда пул беришни талаб қилганлиги сабабли, жабрланувчи сўраган пул маблағини тўлашга имконияти йўқлигини, у содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб баёнот берди.

Судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичнинг айби, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмасидан ташқари, суд мажлисида сўралган жабрланувчи Холиқова Мехригул Бузруковнанинг, ҳақиқатдан ҳам 2018 йил 29 ноябрь куни соат тахминан 09:30ларда ўғли Оромжонни қўлига пул бериб, кўчадаги гўшт дўконидан гўшт олиб келиш учун юборганлиги, орадан ярим соатлардан сўнг ўғли билан унга нотаниш бўлган, кейинчалик билган Эсиргапов Ринат уйга келиб, Эсиргапов Ринат унга ўғли Оромжонни ерга йиқилиб тушганлигини айтганлиги, у ўғлини юзига қараганида лаблари йиртилганлигини, тиши синганлигини кўрганлиги, шу вақти Р.Эсиргапов ўғлини шу атрофдаги шифохонага олиб боришда ёрдам беришлигини айтганлиги, у ўзининг шу вақтда соғлиғи ёмонлиги сабабли ўғли Оромжонни онаси билан бирга шу атрофдаги 12-сонли оилавий поликлиникага Р.Эсиргаповга кўшиб юборганлиги, орадан икки уч соат вақт ўтганидан сўнг куёви Жасур унга кўнғироқ қилиб, “ўғлингиз Оромжонни операция қилишга розимисиз, бизлар ҳозир Хаваси шифохонасидамиз” деб айтганлиги, шундан сўнг у зудлик билан йўловчи такси автомашинасида Хаваси шифохонасига етиб борганлиги, шифохонага борган вақтида ўғлини аҳволи бироз оғирлигини, талоғи ёрилганлигини, аслида ўғли Оромжон ерга йиқилмаганлигини, уни яшаш уйига олиб борган Эсиргапов Ринат Саховат кўчасидаги гўшт дўкони яқинида, кўчадан кесиб ўтаётганида қарама-қарши йўналишга чиқиб, бошқарувидаги автомашина билан уриб юборганлигини билганлиги, шундан сўнг ўғли Оромжонни операция қилиб талоғини олиб ташлашганлиги, ўғли Оромжонни соғлиғи бироз яхшилангач, Оромжон унга 2018 йил 29 ноябрь куни Саховат кўчасини қарама-қарши томонида бўлган гўшт дўконидан гушт олмоқчи бўлиб, йўл бўйида бироз турганлигини, шу вақти чап томонда орқама-орқа бўлиб учта автомашина тўхтаб, унга йўл берганлигини, шундан сўнг ўнг томонда ҳам автомашиналар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, йўлнинг нариги томонига гўшт дўконига бир ўзи югуриб ўтаётган вақтида, чап томондан тўхтаб турган учта автомашинани чап ёнидан тўхтамасдан қарама-қарши йўналишга чиқиб кетган ҳолатда “Матиз” русумли автомашина уриб юборганлигини, зарб натижасида ушбу кўчанинг асфальт қопламасига йиқилиб, бир неча марта юмалаб кетганлигини, шундан сўнг ўрнидан туриб кўрқиб қочмоқчи бўлган вақтида, шу атрофдаги одамлар ушлаб олишиб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлик учун ҳайдовчи Р.Эсиргапов уйига олиб борганлигини, уйга борганида ерга йиқилиб тушганлиги ҳақида ёлғон гапирганлигини айтиб берганлиги, шифохонада ўғли даволанган кунлари ҳайдовчи Эсиргапов Ринат ва унинг яқинларини кўрганлиги, шифокорлар унга ўғлини даволаниши учун барча

сарф-харажатларни шифохона ҳисобидан қилинганлигини айтганлиги сабабли, у ҳайдовчи томонидан дори-дармон ёки бошқа нарсаларга неча сўм сарф харажатлар қилганидан хабари йўқлиги, у ҳам шифохонада ўғли учун бирон дори-дармон учун сарф-харажат қилмаганлиги, ўғлини шифокорлар уйига жавоб берганидан сўнг ҳайдовчи Р.Эсиргапов уйига 2-3 марта келиб бир марта ўғли Оромжонни кўлига 100.000 сўм, иккинчи марта 200.000 сўм пул бериб кетганлиги, шундан сўнг умуман ўғли Оромжонни холидан хабар олмай қўйганлиги, ўғли Оромжонни соғлиғи тикланиши учун унга қувват бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар кераклиги бўлаётганлиги сабабли, ҳозирга қадар ўзини ҳисобидан 1.723.000 сўм пул харажат қилганлиги, келгусида ҳам ўғлини соғлиғини тикланиши учун кўп пул керак бўлишлиги, у ёлғиз она бўлиб, иш жойидан олган иш ҳақи бу харажатларга етмаслиги, шу сабабли ҳозирги кунгача қилган ва келгусида қилинадиган харажатлар учун судланувчи Р.Эсиргаповдан 10.000.000 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш ҳақидаги кўрсатмаси билан;

-гувоҳ Шоқосимов Қурбонали Калонбоевичнинг, ҳақиқатдан ҳам у якка тартибдаги тадбиркор сифатида қассобчилик фаолияти билан шуғулланиб келишлиги, яъни Самарқанд шаҳар Саховат кўчасидаги “Меҳнат” маҳалласининг қаршисидаги қассобхонада гўшт сотишлиги, 2018 йил 29 ноябрь куни соат 10:00ларда бир таниши билан қассобхона ташқарисида гаплашиб турганида, “Меҳнат” маҳалласи ички йўлининг чиқиш қисмида, кейинчалик билган Астанов Оромжонни йўлни бўйида тўхтаб, кўчадан ҳаракатланаётган автомашиналарни ўтишини кутиб турганида, Саховат кўчасидан ҳаракатланиб келаётган “Нексия” автомашинаси тўхтаб, Оромжонка йўлдан ўтишини қўли билан ишора қилганлигини, Оромжон йўлни югуриб кесиб ўтаётганида, “Матиз” русумли автомашина тўхтаб турган “Нексия” автомашинасининг чап томонидан қувиб, йўлни қарама-қарши йўналишига ўтиб, олд қисми билан Оромжонни уриб улоқтириб юборганлиги, шунда дархол 3-4 киши бўлиб Оромжонни ердан кўтариб олганларида, Оромжон кўрққаниданми уйига кетишлигини айтиб, қочишга ҳаракат қилганлиги, лекин у ҳайдовчига Оромжонни шифохонага олиб бориш лозимлигини айтганидан сўнг ҳайдовчи Оромжонни автомашинасига миндириб олиб кетганлиги ҳақидаги кўрсатмаси билан;

шунингдек, жиноят ишидаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фото-жадвал билан (и.в 2-8), О.Астанов номига берилган тиббий маълумотнома билан (и.в.9), судга оид автотехника экспертизаси хулосаси ва унга илова қилинган фото-жадвал билан (и.в 26-28), тергов эксперименти ўтказиш баённомаси ва чизмаси билан (и.в.43-45), вояга етмаган О.Астанов номига тўлдирилган судга оид тиббий экспертизанинг хулосаси ва тиббий баёни билан (и.в 49-53, 54-80), судга оид автотехника ҳисоблаш хулосаси билан (82-83) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичнинг транспорт воситасини йўл ҳаракати қоидаларининг талабларини кўпол равишда бузиб

бошқариши натижасида жабрланувчига оғир ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлишда ифодаланган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичнинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Суд, судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичга нисбатан жазо турини ва меъерини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли Қарорининг 25-бандидаги “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатларига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб қайд этилган раҳбарий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 3.02.2006 йилдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 01-сонли Қарорининг раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичнинг шахсини, содир этган жиноий қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, унинг жабрланувчига биринчи тиббий ёрдамни кўрсатиш учун шу вақтнинг ўзида шифохонага олиб борганлигини, жабрланувчига шифохонада бўлган вақтлари моддий томондан қарашганлигини, оилалик бўлиб, қарамоғида 5 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олиш билан бирга, бугунги кунда жабрланувчининг унга нисбатан даввоси борлигини эътиборга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни лозим топади.

Шу билан бирга суд, судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини тадбиқ қилиб, кўшимча жазо тариқасида уни муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишликни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, жабрланувчи М.Б.Холиқовани судга тақдим этган аризасини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларга амал қилиб, жабрланувчининг даъвосини қисман қаноатлантириб, етказилган 1.123.000 сўм моддий зарарни ва маънавий зарарни иш ҳолатларидан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақининг ўн беш баравари деб белгилаб, судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржонович ҳисобидан жабрланувчи Холиқова Мехригул фойдасига ундиришликни ҳамда жабрланувчи М.Холиқовага келгусида фарзанди О.Астановнинг даволаниши юзасидан қилинадиган харажатлари, дори-дармон ва бошқа моддий ҳамда маънавий зарарларини ундириш борасида белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиб, ундириш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришликни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил эътироф этилмаганлигини эътироф этади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, ҳукм қилади -

## Ҳ У Қ М

Судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржонович [REDACTED] [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасига асосан 1 (бир) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўталсин ва ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати у жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини таъминлаш Жомбой тумани бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

Қўшимча жазони ўташ муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларининг ҳар қайсиси алоҳида ижро қилинсин.

Судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ва гаровга қўйилган "Матиз" русумли автомашина тилхат орқали ўзига сақлаш учун қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Судланувчи Эсиргапов Ринат Сапаржоновичдан жабрланувчи Холиқова Мехригул Бузруковна фойдасига 1.123.000 (бир миллион бир юз йигирма уч минг) сўм моддий зарар ва 3.040.950 (уч миллион қирқ минг тўққиз юз эллик) сўм маънавий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи Холиқова Мехригул Бузруковнага келгусида фарзандини даволанишига кетадиган харажатларни ундириш юзасидан ҳудудийлик бўйича фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик этувчи судья;**

**Ж.Гайбуллаев**